

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

## МЕҲР-ОҚИБАТ, ҲАМЖИҲАТЛИК ВА БИРДАМЛИК ИФОДАСИ

Бугун мамлакатимиз бўйлаб умумхалқ хайрия ҳашари бошланди

Ҳашар халқимизнинг меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик, бирдамлик ва ўзаро беғараз ёрдам каби инсоний фазилатларини ўзида мужассам этувчи азалий қадрияти ҳисобланади. Асрлар оша боларимиз ҳашар йўли билан улкан бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга оширганлар. Мазкур жараёнда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламга беминнат ёрдам кўрсатилган.

Истиқлол йилларида бу бебаҳо қадриятимиз асл қиёфасига қайтиб, кўлами ва аҳамияти янада ортди. Чунончи, катта байрамлар арафасида халқимиз бир ёқадан бош чиқариб, ҳашар ўтказиши яхши аънамага айланди. Айниқса, ҳар йили март-апрель ойлари ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги, деб эълон қилиниб, кенг кўламли амалга оширилаётган куриш, яратилган, янгилаш ишлари туйғайли, юртимиз янада обод ва кўркам бўлиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 2 мартдаги фармойиши шу мақсадларга қаратилган ишлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлди. Мазкур фармойишга мувофиқ, март-апрель ойлари юртимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги деб эълон қилиниб, 11-12 март кунлари умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилаётган бўлди.

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида бажарилиши кўзда тутилган вазифаларни амалга ошириш, қишлоқ ва шаҳарлар, маҳаллалар, аҳоли тураржойларини орасида, юртимиздаги санитария-эпидемиологик ҳолатни янада яхшилаш ҳамда шарқона янги йил – Наврўз айёмини муносиб кутиб олиш ва кенг нишонлашга пухта тайёргарлик кўриш мақсадида ўтказилаётган ҳашарга вилоятимиз аҳли, айниқса, ёшлар муносиб тарафдор бўлиши керак.

Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ва унинг ҳудудий бўлинмалари ҳам мазкур тадбирга пухта ҳозирланишди. Жумладан, ойлик доирасида бугун ва эртанги ҳашарда шаҳар ва туманларимизда 1 миллион 600 мингдан зиёд аҳоли иштирок этиши кутилмоқда. Уларнинг бир миллиондан ортиги ёшлар экани қувонарли, албатта. Ҳашар кунлари қарий олти минг гектар майдонда ободонлаштириш ишлари бажарилади. Икки ярим минг километрга яқин узунликдаги ариқ-зувору ва лотоклар тозаланиб, саккиз юзга яқин зиёратгоҳ ва қабристонлар тартибга келтирилади. Бир ярим мингдан зиёд махсус техника воҳиталари ёрдамида қарий 550 тонна маший ва қурилиш чийиндиси белгиланган жойларга чиқариб ташланади. Тураржой даҳалари, маҳаллалар, боғ ва хиёбонлардаги дарахтларга шакл



Зангиоталик Ҳотам бобо Абдуллаев ўз набира ва эваралари билан кўклагми юмушларни аллақачон бошлаб юборишган. Қобилжон ҒОҒУРОВ олган сурат.

берилш, 5 миллионга яқин мева ва манзарали дарахт ҳамда гул кўчатлари экилиши кутилмоқда. Шунингдек, ойлик доирасида бир қатор инсонпарварлик тадбирларини амалга ошириш кўзда тутилган. Хусусан, ижтимоий ҳимояга муҳтож қарий уч минг, шу жумладан, мингга яқин ёлғиз кексаларга ҳомийлар томонидан мурувват ёрдами кўрсатилади. Икки мингга яқин кўп болали ва ёрдамга муҳтож оилаларнинг ўй-қоғирлари таъмирлаб берилди. Ушбу мақсадларга қарий уч юз миллион сўм

маблағ йўнатирилиши режалаштирилган. Муҳтасар айтганда, йилдан-йилга ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги ҳамда умумхалқ хайрия ҳашари кунларида бунёдкорлик иш-

лари кўлами кенгайиб бораётгани ҳудудлар инфратузилмасини такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш, аҳолининг турмуш даражасини оширишда муҳим омил бўлаётди. Бу йил ҳам Наврўз байрами ара-

фасида кўлаб савдо ва маданий-маиший муассасалар, корхоналар, гўзаллик салонлари, маҳалла гузарлари фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Ўз мухбиримиз.

Аънамага мувофиқ, вилоятимиздаги корхона ва ташкилотлар ишчи-ҳодимларнинг бир кунлик иш ҳақларини ихтиёрий равишда "Маҳалла" хайрия жамоат фондидинг вилоят бўлими ҳисоб рақамига ўтказилади. Бу маблағлар маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламларига кўмак бериш, ёш оилаларни кўлаб-қувватлаш, кам таъминланган оилалар фарзандларининг тўйларини ўтказишга ёрдамлашиш, болалар майдончаларини тартибга келтириш, шунингдек, маҳаллаларда оилавий бизнесни ривожлантириш каби хайри вазифаларни амалга оширишга йўналтирилади. Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Тошкент вилояти бўлими ҳисоб рақами: 20212000600132942001, ЧЭКИ "Hamkorbank" Яққасарой филиали МФО 01013, ИНН 200548395, ОКОНХ 98600.

### Мукофот муборак!

Тоғ этагини бинафшалар атрига бурқаб навбахор шамоли елмоқда. Сочларига жамалак таққан қизалоқлар ариқ бўйидан ҳушбўй ялғизлар терини бошлади. Яқиндагина ана шу болалар қаторида ўйнаб-қулиб юрган Дилноза қалбидagi ниятларини амалга ошириш мақсадида аста-секин орзулар пиллапоясидан кўтарилиб, кўлаб муваффақиятларга эришди.

## ҲАР СОНЯ — БИР ЖАСРАТ

Дилноза Раҳматова 1998 йили Паркент туманида туғилган. Болалигидан ҳар бир соҳага иштиёқи баланд бўлган сабаб мактабдан сўнг турли тўғарақларга қатнашди. Айниқса, сув спорти уни ўзига бутунлай ром қилиб қўйган эди. Қизидagi иштиёқни қўрган Бакир Аҳмедов уни Чирчиқ Олимпия захиралари мактабига ўқишга беради.



Бу ердаги сабоқлар қизалоқнинг спортга бўлган меҳрини янада оширди. Байдарка ва каноэда эшак эшиш билан мунтазам шуғулланиш орқали у болаликдаги орзулари сари яқинлашиб бораётган эди. Устози Рустам Мирзодиёров раҳбарлигида тинимсиз машқ қилган Дилноза тез орада мутахассислар эътирофига сазовор бўлди.

Машғулотлар ўз самарасини бера бошлади. 2012 йил Самарқандда бўлиб ўтган "Самарқанд юлдузлари" халқаро мусобақасида совринли ўринни кўлга киритган спортчи қиз юрт номини шарофловчи яна бир иқтидор эгаси этишиб чиқаётганини баралла эълон қилди. 2013 йили Канадада ўтказилган ёшлар ўртасидаги Жаҳон чемпионатида муваффақиятли иштироки эса Дилноза учун халқаро миқёсдаги галабаларга пойдевор бўлди. Айниқса, 2015

йил унинг учун омадли келди. Шу йили Украина, Франция, Португалия давлатларида ўтказилган Жаҳон кубоги мусобақалари, ҳамда Самарқандда ўтказилган Осие чемпионатида совринли ўринларни кўлга киритди. Дилноза тиришқоқлиги билан тенгдошларига ўрناк бўлмоқда, — дейди байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича Ўзбекистон аёллар терма жамоаси мураббийи Рустам Мирзодиёров. — Муваффақиятлар сабаби — машғулотлардаги тинимсиз меҳнат эканини ҳис этган ҳолда ҳаракат қилади. Унинг шижоатини кўриб қойил қоламан. Мақсадига интилишдан бир зум ҳам тўхтамайди. Унга нафақат дўстлари, балки, маҳалладашлари, катталар ҳам ҳавас қилади. Кўлаб-қувватлайди. Мен шогирдим билан фахрланаман!

Давоми 2-бетда. ➡

## ПЕНСИОНЕРЛАР УЧУН БЕПУЛ

2017 йилнинг 15 мартдан бошлаб пенсионерлар Тошкент метрополитени хизматидан бепул фойдаланишлари мумкин. Ушбу имтиёз ҳар куни соат 10.00 дан 16.00 га қадар амал қилади. Бу ҳақда пойтахт ҳокимлигида ўтказилган брифингга маълум қилинди.

### Қулайлик

— Кунлар исиган сари жамоат транспортлари орасида энг қулайи метро бўлади. Ёзинг жазирасида салқингина метрода юрганга нима етсин, — дейди қибрайлик Ориф ота Мақсудов. — Бу хабарни эшитиб, очиги қувондим. Биз, кексалар учун мана шундай қулайлик яратиб бераётган давлатимизга раҳмат.

Президентимиз Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашувда барча пенсионерларга Тошкент метрополитени хизматларидан ҳар куни соат 10.00 дан 16.00 гача бепул фойдаланиш ҳуқуқи берилишини таъкидлаганди. Шу асосда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 январдаги Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисидаги қарори билан Молия вазирлиги, "Тошкент метрополитени" унитар корхонаси, Тошкент шаҳар ҳокимлигида пенсионер-



ларни кўлаб-қувватлаш юзасидан қўшимча имтиёз яратиш бўйича берилган топшириқда кўзда тутилган мазкур қулайлик юртдошларимиз томонидан илиқ кутиб олинди. Хуррият МҲМИНОВА.

## Пайшанба — жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика куни

### БЕБОШЛИКНИНГ СЎНГГИ МАНЗИЛИ

Оила — жамиятнинг таянчи. Фарзандларимиз онгиди элу юртва, Ватанга муҳаббат туйғулари, энг аввало, оилада, маҳаллада шаклланади. Мамлакатнинг эртанги куни, тинч ва обод бўлиши ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий камолотига боғлиқ.

Ўз навбатида, тарбияга масъулиятсизлик ёшларнинг ёт гоғлар таъсирига берилиб, ҳуқуқбузарлик содир этиши ва жиноят кўчасига кириб қолишига сабаб бўлишини ҳам унутмаслик лозим. Мазкур жиҳатларни инобатга олган ҳолда бугун бутун республикамизда бўлгани сингари вилоятимизда ҳам профилактика тадбирлари ўтказилмоқда. Уларда ўқувчиларнинг таълим муассасидаги давомати, фаоллиги маҳалла раислари, ота-оналар ва ўқув муассасалари билан ҳамкорликда мунтазам назорат қилиб борилмоқда. Минг афсуски, ўқувчилар орасида билиб-билмай жиноят кўча-

сига кириб қолганлари ҳам учраб туради. Бу эса барчамиздан янада хушёр бўлишимизни талаб этади. Алишер Ҳайитов ва Шодмон Солиевлар (исм-шарифлар ўзгартрилган) яқин дўст. Коллежда уларнинг дўстлигига ҳамма ҳавас қиларди. Аммо, эндигина 16 ёшни қаршилаган бу икки дўстнинг энгил-елли ҳаёт кечириш, осонгина пул топиш ҳақидаги "орзу"ларидан ҳеч ким вақтида ҳабардор бўлмади. Ҳатто, бу икковлон ўқишга келмаган ҳам устозлари бунинг сабаби билан қизиқишмади. Натижада, турли ҳавойи ўй-хаёллар таъсирига берилган ўспиринлар, ёш умрини

ҳазон қилишига бир баҳя қолди. Тўқин ҳаётга ўрганган Алишер ҳолавачаси Шодиянинг туғилган кунига совға олиш масаласида ўйланиб қолди. Ота-онасидан олган пулга олдиғина совға олиб боришни ўзига эп билмади. Қандай қилиб бўлмасин, пул топишга аҳд қилди. Шу куни яна ўқишга бормади. Ҳаёлига келган фикрдан севиниб кетди ва бу "ғоя"сини дўсти билан ўртоқлашди: "Отам боғбон бўлиб ишлайдиган Шодийер аканнинг дала ҳовлисига ўғирликка тушамиз." Бу тақлиф Шодмонга ҳам ёқиб тушди.

Давоми 2-бетда. ➡

### ЎСМИРНИНГ БЎШ ВАҚТИ

#### ДУШМАРНИНГ ИШ ВАҚТИ БЎЛИШИ МУМКИН

"Ҳаёт ўз-ўзича — яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам эмас, сиз уни нимага айлантира олишингизга қараб, яхшиликнинг ҳам, ёмонликнинг ҳам уяси бўлиши мумкин", деган эди француз адиби Мишель де Монтен. Ҳақ гап. Воқеликка муносабатимиз ниятимизга, қалбимизга ва амалимизга яраша бўлади. Диний ва дунёвий китобларда ўз жонига қасд қилиш қаттиқ қораланади. Ҳаётнинг гулган дамларини эндигина қаршидаётган ўсмирнинг руҳини синдириб, тушунлиқка дучор қилиб, охири-оқибат ўз жонига қасд қилишига сабабчи бўлиш эса ўта қабиҳликдир. Сўнги вақтларда ижтимоий тармоқларда кенг тарқалган "Кўк кит" шундай мудҳиш "ўйин"лардан биридир. У оқ-қорани ҳали ажрата олмайдиган, ҳаёт ҳақида етарли тасаввурга эга бўлмаган, ташқи таъсирларга тез берилувчан ўсмирларга руҳий зарба беришга қаратилган.

Давоми 3-бетда. ➡

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 7 февралда қабул қилинган Фармони билан тасдиқланган Ҳаракатлар стратегиясида Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши белгиланган.



## ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ — ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Давлат ва жамият ривожини янги босқичга кўтариш, ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш бўйича энг муҳим устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналиши иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришга бағишланади.

Таъкидлаш жоиз, ушбу ҳужжатда юртимиз иқтисодий жабал қилинаётган ташқи сармоя бўйича юзга келадиган ҳаражатларни камайитириш, Ўзбекистоннинг кредит рейтингини янада яхшилаш ҳамда юқори суверен рейтинг кўрсаткичларига эришиш мақсадида етакчи халқаро ва чет эл молия институтлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш белгиланган.

Бу йўналишдаги инвестициявий лойиҳаларни ўз вақтида амалга ошириш кўзда тутилди. Жумладан, 2016-2020 йиллар давомида 47 та лойиҳани амалга оширишга Жаҳон ва Осие тараққиёт банклари улуш қўлади.

Ишсизлик даражаси юқори бўлган ҳудудларда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, озиқ-овқат саноати, фармацевтика, электротехника ва бошқа соҳалар бўйича икки юз қирқдан зиёд лойиҳани ишлаб чиқиш белгиланди. Бу иқтисодий ривожлантириш янада даражасини янада яхшилашга хизмат қилади.

Ҳаракатлар стратегиясини ўз вақтида ва самарали амалга ошириш барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг бирламчи вазифаси ва устувор йўналиши эканлиги белгилаб қўйилди. Шу ўринда, биз, депутатлар ҳам Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича фаол ва сидқидилдан хизмат қилишга бел боғлаганимиз.

Шунингдек, иқтисодий соҳасида ижтимоий муаммоларни ҳал этувчи маҳаллий бюджетларнинг даромади манбаи кенгайтирилади. Минтақаларнинг ишлаб чиқариш салоҳияти оширилади, маҳаллий бюджетларнинг

жетлар даромадларини кўпайтириш ва алоҳида вилоятлар ва туманларни давлат субвенциясидан чиқариш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган дастурлар амалга оширилиши белгиланган.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳам Ҳаракатлар стратегиясининг иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари қисмида белгиланган бўлиб, бу борада мева-сабзавот, картошка ва узум етиштириш ҳажмини ошириш, ички бозорда нархлар кескин ошишининг олдини олиш назарда тутилган. 394 гектар майдонга 503 та иссиқхона ҳўжаликлари, 6 минг 885 та аҳоли шахсий томорқаларидаги 176 гектар майдонда иссиқхоналар барпо этиш кўзда тутилган.

Ҳўл мева ва қайта ишланган маҳсулотларни сақлаш ва экспортга жўнатиш мақсадида умумий ҳажми 132,2 минг тонналик 184 та музлаткичли омборхоналар ташкил этиш ва 1,4 минг тонналик 4 та шундай совитиш камераларини модернизация қилиш режалаштирилган. Уларнинг белгиланиши нафақат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ички бозорни маҳсулотлар билан тўлдиришга, балки янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ошириш ҳамда турмуш даражасини янада яхшилашга хизмат қилади.

Ҳаракатлар стратегиясини ўз вақтида ва самарали амалга ошириш барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг бирламчи вазифаси ва устувор йўналиши эканлиги белгилаб қўйилди. Шу ўринда, биз, депутатлар ҳам Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича фаол ва сидқидилдан хизмат қилишга бел боғлаганимиз.

Элдор ТҮЛЯКОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.



## «ХУШЁР БЎЛ, ЎҒЛИМ!»

Бугунги тинч, осуда ҳаётимиз, фаровон турмушимиз, аввало, Ўзбекистон Куролли Кучлари, унинг сафларида хизмат қилаётган ҳарбийларимиз, мард, жасур ўғлонларимиз тўғрисида барқарор. Айнисса, чегараларимизни сергажлик билан кўриқлаётган аскарларимизнинг фидойилиги таҳсинга лойиқ. Шундай ўғилларни оқ юви, оқ тараб вояга етказган оналаримиз ҳар қанча эъзоз эҳтиромга муносиб. Зеро, улар ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдек узлуксиз олиб бориладиган ишларга доимий дахлдорлик тўғриси билан яшайдилар.

### Мардлар кўриқлайди, Ватанни!



ларда элимиз ардоғидаги ёзувчи-шоирлар, санъаткорлар, ҳарбий прокуратура ва ҳарбий округ прокурорлари, чегара қўшинлари масъул офицерлари, аскарлар ҳамда уларнинг оналари иштирок этди. Таъкидланганидек, бу каби дилдан суҳбат, кўнгилли учрашувлар ёшларимизнинг Ватан олдидаги муқаддас бурчларини шараф билан адо этишлари, уларда мустаҳкам ирода, Ватан тақдирини унутмаслик ҳиссини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

**Сайёра РИХСИЕВА,**  
"Тошкент ҳақиқати"  
мухбири.  
**Мансур ҲИММАТОВ**  
олган сурат.

Вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, Миллий ҳавфсизлик хизмати чегара қўшинлари, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими, Қасба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси, "Маҳалла" ҳайрия жамоат фонди ҳамкорлигида Бекобод шаҳар

ёшлар маркази ҳамда Чирчиқ шаҳар офицерлар уйида чегара қўшинларига мuddатли ҳарбий хизматни ўташга қабул қилинган ёшлар билан учрашувлар ташкил этилди.

"Ватанни ҳақиқий ўғлонларгина ҳимоя қила оладилар", "Мард ўғлонлар оналар фахри" мавзуларидаги суҳбат-

### Томорқа – туганмас хазина

Кейинги йилларда қишлоқ жойлардаги аҳоли томорқларида кам ҳаражатли иссиқхоналар шариоитида маҳсулот етиштириш билан шугулланиш оммалашмоқда. Зангиота тумани "Истиқлол" маҳалласилик Мирза ота Расулов саккиз йилдан буён то-

морқасидаги иссиқхонада меҳнат қилади. "Мейер" навли лимоннинг бир тупидан йилга 30-40 килограммгача ҳосил олиб, яхшигина даромад қилапти. Боғбончилик а иштиёқи баланд отахоннинг бу йилдан ҳам умидлари катта.

## ИССИҚХОНАСИ БОРНИНГ РЎЗҒОРИ БУТ

– Биз етиштираётган лимон нави эртаки бўлиб, серҳосил, маҳаллий иқлим шариоитига жуда мослашувчандир, – дейди Мирза ота. – Бу йил иссиқхонадан оладиган ҳосилимиз ҳам, даромадимиз ҳам ўтган

"Қаловини топсанг қор ҳам ёнади", деганлари шу-да. Зангиоталиклар томорқасидаги иссиқхонадан мўмай даромад олиб, тўйлар қилишапти. Хонадонларини кўркам, маҳалларини ободлаштиришга салмоқли


донларда иссиқхоналар ташкил қилишга ёрдам беришди. Бунда, барча ҳаражатлар мутахассислар ҳисоб-китоби бўйича аниқланади. Масалан, бир сотиқ ердаги иссиқхонага 18-20 тагача лимон кўчатларини кел-

етилган ҳосилни мақбул нархларда харид қилиб, хонадон соҳибларини савдо-сотқ ташвишидан ҳам халос этишади.

Тошкент Давлат аграр университетининг "Мевачилик ва узумчилик кафедраси" доценти Нуриддин Фахридинов иссиқхоналарда пайвантакбон лимон навлига апельсин, мандарин каби цитрус ўсимликларини пайвандлаш яхши самара беришини таъкидлади. Айнисса, бир ёшли "Юбилейный" навига пайвандланган ўсимлик яхши авж олиб, мўл ҳосил беради. Пайванд учун куртакни ҳосилли новдалардан олинса, шу йилнинг ўзида нишон кўрсатади.

Халқимизда "Бир йил тут эккан киши қирқ йил дур теради", деган гап бор. Бугун томорқанин ҳар қаричидан омиқорона фойдаланиб, ойласини фаровон, бозорларимизни тўкин қилаётган уста боғбону соҳибкорлар кўраётган манфаатдорлик бунинг тасдиғидир.

**Абдулазиз МУСАЕВ,**  
"Тошкент ҳақиқати"  
мухбири.  
**Қобилжон ҒОҒУРОВ**  
олган сурат.



йилгидан 2,5-3 баравар кўп бўлади, деб ният қилиб турибмиз. Келгусида бошқа навларни ҳам пайвандлаш усули билан кўпайтириш ниятимиз бор. Бу масалادا соҳа мутахассислари билан маслаҳатлашиб, тавсиялар олиб турамиз.

хисса қўшишапти. Давлатимиз эса соҳани янада кенгайтириш мақсадида келгусида маҳаллаларда махсус агрофирмалар ташкил қилишни режалаштирган. Уларнинг вазифаси тижорат банкларининг имтиёзли кредитлари асосида хона-

тириб экиб бериш тўрт ярим миллион сўм бўлар экан. Бунда хонадон эгаси ҳам ҳаражатдан, ҳам вақтдан ютади.

Бундан ташқари, фирма вакиллари мазкур лимонлар ҳосил қирғича хабар олиб туришади ва пишиб

### Партиялар ҳаётдан

## ТИНЧЛИК ҚАДРИ

Ўртимиздаги тинчлик ва осойишталик, миллатлараро ҳамжиҳатлик ва барқарор ривожланишни, бу борада амалга оширилаётган ишларни ўқувчи-ёшларга етказиш мақсадида Ўрта Чирчиқ санаот ва сервис касб-ҳунар коллежиде "Ўзбек халқига тинчлик, омонлик керак!" мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси туман кенгаши ташаббуси билан ўтказилган тадбирда ўқитувчилар, партия фаоллари ва ёшлар иштирок этди.

Давра суҳбатида сўзга чиққанларнинг диёримиздаги барқарор тараққиёт ва тинчлик, осойишталикни асраш, қадрига етиш тўғрисидаги фикрлари йиғилганларда ватанпарварлик, шукроналик ҳиссини янада кучайтирди.

**Оттабек ИСРОИЛОВ,**  
"Қамолот" ЁИҲ фаоли.

## ДЕПУТАТЛАР ҲАВАСЛИГИ – ДАВР ТАЛАБИ

Маҳаллий Кенгашлардаги партия аъзолари, партиянинг марказий, вилоят ва туман кенгашлари вакиллари иштирок этган семинарда мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, аҳолининг сиёсий жараёнлардаги фаоллигини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш масалалари алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Бунда сиёсий партиялар, уларнинг кўйи бўғинлари ва депутатлик гуруҳларининг ўрни катта. Бинобарин, соҳага оид қонунчиликни таъминлаштириш, маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари фаоллигини мунтазам ошириб боришни даврнинг ўзи талаб этмоқда.

Мутахассислар ўз маърузаларида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йиллида амалга оширишга оид Давлат дастурида "Мамлакатимиз-

да сиёсий тизимни ривожлантириш, давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш" бўйича белги-ланган вазифалардан келиб чиқиб, партия маҳаллий кенгашлари ва депутатлик гуруҳлари аъзоларининг фаоллигини янада юксалтириш, ҳуқуқий билан ва малакасини ошириш, электрот манфаатларига дахлдор масалалар бўйича таклифлар кири-тиш, аҳолини ўйлантираётган муаммоларни ўрганиш, таҳлил қилиш, уларнинг мониторингини олиб бориш ишларини таъминлаштириш масалаларига эътибор қаратди. Ижтимоий-иқтисодий дастурлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик ҳамда депутатлик назоратини амалга оширишнинг самарали механизмлари-дан фойдаланиш масалалари ҳақида сўз борди.

– Аҳолини ўйлантираётган муаммоларни ҳал қилиш, уларга ечим топшиш депутатлик сўрови институтидан кенг фойдаланишмоқда, – дейди партия вилоят кенгаши раиси М. Дар-

ҲўлидеП ва Ўзбекистон Фермерлар кенгаши ҳамкорлигида "Ватанимиз тараққиёти учун барчамиз бирдек масъулмиз!" шиори остида Самарқанд вилоя-тида ўтказилган "Ёш фермер" республика кўрик-танловида вилоятимиз шарафини ҳимоя қилган "Қибрай олтин мева" фермер ҳўжалиги раҳбари Зарина Жуманарова ўзини унинг кўлга киритди. Унга ташкилотчиларнинг дипломи ва эсдалик совғаси тақдим этилди.

## ЗАРИНА СОВРИНДОР БЎЛДИ

– Ҳўжалигимиз кўп тармоқли бўлиб, интенсив боғ, сабзавотчилик, иссиқхона ва қандалоқчилик билан шугулланамиз, – дейди З. Жуманарова. – Тадбирда бир неча янги лойиҳамизни иштирокчилар эътиборига ҳавола этдик. Масалан, сабзавот уруғларини етиштириб, фермерларга етказиб бериш режаси кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Чунки, бу маҳсулот, асосан, бозорлардан, воситачилардан харид қилингани сабабли кўп ҳолларда деҳқон меҳнати зое кетаётганига ғувоҳ бўлаямиз. Бунинг олдини олиш, сифатли маҳсулот етиштириш учун уруғ сара навли бўлиши талаб этилади.

**Ўз мухбиримиз.**

## БЕБОШЛИКНИНГ СЎНГГИ МАНЗИЛИ

Ўспиринлардан бирортаси арзиманган пул учун ёш умрини, тақдирини гаровга қўяётганини ўйламади. Ўзларини гўёки, қаҳрамон санашди. Кеч қоронғусида иккови ниқобланган ва қуролланган ҳолда дала ҳовлига ўғринча кирдилар.

Аммо, уларни сезиб қолган қоровулдан қўриқиб, воқеа жойидан қочиб қолишди. Қочиб кўтулдик, деб ўйлаган йиғилар қонундан қочиб бўлмаслигини хаёлларига келтиришмаганди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳодимлари қоровулнинг кўрсатмалари асосида

уларни кўлга олди. Эндигина 16 ёшга тўлган, лекин, ақлини йиғиб, ҳаёт йўлини белгилаб олманган бу ёшлар нима сабабдан жиноят қўчасини танлади? Уларнинг тутган йўлларию, ўмармоқчи бўлган пуллари умрини, келажак тақдирини хазон қилишига арзийдими?

Профилактика тадбирлари доирасида шу каби ҳаётимисоллар ёрдамида ёшларга жиноatchиликнинг салбий оқибатлари тушунтирилмоқда. Бундан қўзланган асосий мақсад бу каби қилмишларга жазо муқаррарлигини, атрофдагиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини поймол этиш, ўзганинг

мулкига эгалик қилишга уриниш жамият учун хавфли иллат эканини ёшлар онги ва қалбига сингдиришди.

Жиноят ёки ҳуқуқбузарликнинг оқибатларини бартараф этишдан қўра, унинг олдини олиш муҳим ва айни чоғда самаралидир. Буни давлатимиз раҳбари алоҳида таъкидлаган ҳолда, профилактика инспекторлари фаолиятини янада кучайтириш билан боғлиқ бағоят ҳаётимисолларни илгартириш, бу тинч ва осойишта ҳаётимизнинг баайни кафолатидир.

**Баҳодир ТОЖИЕВ,**  
вилоят ИИБ  
бўлими бошлиғи.

## МУАММОНИНГ ЕЧИМИ – ҲАМЖИҲАТЛИКДА

Жиноatchиликнинг олдини олиш ҳамиша долзарб масалалардан бири бўлиб келган. Бу борада кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Аммо, жиноatchиларни фош этиш ва сабабларини аниқлаш борасидаги камчиликлардан кўз юмиб бўлмайди.

"Профилактика кундан кўзланган мақсад ана шу камчиликларни бартараф этиш, профилактика таъсир ўтказиш орқали оилаларни сақлаб қолиш, ҳуқуқбузарлик ва жиноatchиларнинг олдини олишдир.

Қибрай туманида ўтказилган тадбирда маҳалла фаоллари, имомхатиблар, таълим муассасалари вакиллари ва туман ИИБ мутасаддилари иштирок этишди. – Донишмандлардан бири: "Эзгу ш қилиш, қўлингдан келмаса, яхшиси эзгу ниятли ки-

ртирлаётган ёшлар ҳам йўқ эмас. Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси С. Файзиёва сўзга чиқиб, ёшларнинг илм олиши, ҳунар эгаллаши, баркамол инсонлар сифатида камол топишига алоҳида аҳамият қаратилаётганини, лекин шунга қарамай вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноatchиликлар учраб турганини таъкидлади. Оила, маҳалла, таълим муассасалари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг баҳамжорчилигида исчилик ҳамкорлигини муаммога энг тўғри ечим бўлишига ургу берилди.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси С. Файзиёва сўзга чиқиб, ёшларнинг илм олиши, ҳунар эгаллаши, баркамол инсонлар сифатида камол топишига алоҳида аҳамият қаратилаётганини, лекин шунга қарамай вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноatchиликлар учраб турганини таъкидлади. Оила, маҳалла, таълим муассасалари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг баҳамжорчилигида исчилик ҳамкорлигини муаммога энг тўғри ечим бўлишига ургу берилди.

**Нуриддин АБДУЛЛАЕВ,**  
катта лейтенант.

**Янгиликлар, хабарлар, таҳлилий-таъкидий мақолалар билан газетамизнинг интернетдаги манзили – www.thtp.uz орқали ҳам танишингиз мумкин.**

## ГРАНТ ИШ БЕРМОҚДА

Қибрай туманидаги "Туркистон – оби раҳмат сервис" сув истеъмолчилари уюшмаси ҳудуддаги 2400 гектар майдонда фаолият юритадиган 119 та фермер ҳўжалигининг сув таъминотини тартибга солиш билан шугулланади.

### Ташаббус

Ўтган йили октябрь ойда уюшма "Атроф муҳитга барчамиз бирдек масъулмиз" лойиҳаси учун Ўзбекистон Республикасини Олий Мажлиси ҳузурдаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонднинг 22 миллион сўмлик грантини қўлга киритди.

Бугунги кунда лойиҳа доирасида тарғибот-ташвиқот тадбирлари, семинар-тренинг ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Шу кунга қадар 5 киши кўнгилли сифатида тайёрланди. Уюшма томонидан ташкил этилган ана шундай семинар-тренингда туман қишлоқ ва сув ҳўжалиги бўлими вакиллари, 43-мактаб ўқувчилари, ма-

ҳалла фаоллари иштирок этди.

– Туркистон аҳоли пунктида 2 мингдан зиёд одам яшайди, – дейди уюшма раҳбари Шароф Шокиров. – Мазкур лойиҳамиздан қўзланган мақсад, аҳолининг экологияга оид қонунчилик бўйича билимини ошириш, ичимлик сувини тежаш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳитни асраш ҳамда ёшларда табиатга муҳаббатни янада кучайтиришдир. Туркистон ҳудудига қуроққол зона бўлгани боис сув таъминлиги муаммоси йўқ эмас. Мазкур лойиҳа айнан шундай

шариоитда боғ барпо этишга йўналтирилгани билан ҳам аҳамиятли. Шу мақсадда 5 гектар майдонда мевали ва манзарали дарахт кўчатларидан иборат боғ яратиш ишлари алақачон бошлаб юборилган.

Яна бир гап. Қишлоқ ҳўжалигида томчилик сўғориш ҳам йўлга қўйилаётган бўлиб, ҳудуддаги 112 гектар интенсив боғ айнан шу усулда сўғорилаётган.

Семинарда она табиатни асраб-авайлаш мавзусида намоийш этилган видеоорлик иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Шунингдек,



тадбир доирасида мактаб ўқувчилари ўртасида табиат ва экологияни асраш мавзусидаги расмлар танлови ўтказилди. Голибларга фахрий ёр-

лик ва эсдалик совғалари топширилди. **Хушида НАЗАРОВА,**  
СУРАТДА: семинар ўқувчи-ёшлар учун ҳам жуда қизиқарли ўтди.



# ЯРИМ ФИНАЛ ЖАМОАЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Футзал бўйича XXI миллий чемпионатнинг давра ўинлари якунланди. Олмаликлик футболчилар олий лига ўинлари якунларида кўра турнир жадвалида биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи поғонадаги "Дўстлик-АИ" жамоаси ҳам беллашулар давомида голибликка асосий даввогар эканини исботлади. Пойтахтнинг "Ардус" ва "Бунёдкор" жамоалари ҳам пешқадамларга муносиб қаршилик кўрсатди.

## Футзал



Турнир жадвалида 1-8 ўринларни эгаллаган жамоалар ўртасидаги чорак финал беллашуларида амалдаги чемпион "Олмалик", Қаршининг "Дўстлик-АИ" ҳамда Тошкентнинг "Ардус" ва "Бунёдкор" жамоалари рақибларини мағлуб этган ҳолда кейинги босқич йўлнамасини қўлга киритди. Мусобақа регламентига кўра, ярим финалда "Олмалик" футболчилари "Бунёдкор"га қарши, "Дўстлик-АИ" эса "Ардус" жамоаси билан куч синашадиган бўлди.

Тўпурақлар баҳсида "Олмалик" жамоаси азбоси Фарход Абдуваллонов 28 гол билан етакчилик қилмоқда. Унинг жамоадoshi Жамолддин Шарипов ва Дилшод Ирсалиевларда ҳам 18 тадан гол бор.

Эслатиб ўтамиз, ярим финал ҳам икки ўиндан иборат бўлиб, голиблар финалда ўзаро куч синашади.

Леазиз ИСОҚОВ.

## Реклама ва эълонлар

**"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!**  
2017 йил 13 апрель кунини соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига Тошкент вилояти, Чиноз тумани СИБ томонидан ТВХСнинг 26.09.2016 йилдаги №11-1606/12815-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Охунбобоев кўчасида жойлашган, умумий қурилиш ости майдони 522,24 кв.м. бўлган бино ва иншоот. Бошлангич баҳоси – 655 672 000 сўм.  
Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-ўй манзилида бўлиб ўтади. Юқоридаги кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вақиллари иштирокида бевоисита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок эттиш учун талабгорлардан аризалар ҳар кунини (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошлангич баҳри иш кунини қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизи микдоридан кам бўлмаган микдорда закалат пулини тўлов ҳужжатидан ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖнинг ХАТБ "Universal bank" Тошкент шаҳар филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504938050001, МФО 00996, ИНН 207125885. Аукцион голиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк кунини мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-ўй. Телефон: (8371) 233-09-38. www.rgbusiness.uz. Лицензия: RR-0052.

**"AUTO GARANT BUSINESS" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!**  
2017 йил 13 апрель кунини соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қўйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. Тошкент вилояти, Зангиота тумани СИБ томонидан ЖИБ Зангиота тумани судининг 05.11.2016 йилдаги № 1-1519/16-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Пискент тумани ИИБ ИХХБ жарима майдонида сақланаётган ишлаб чиқарилган йили номаълум, давлат рақами 10 S 154 АА бўлган "Ваз-21011" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси – 2 293 625 сўм.  
2017 йил 29 март кунини соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига Тошкент вилояти, Пискент тумани ИИБ ИХХБ жарима майдонида сақланаётган йили номаълум, давлат рақами 10 G 614 FA бўлган "Ваз-2106" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси – 1 680 560 сўм.  
2. Тошкент вилояти, Қўбрай тумани СИБ томонидан №19263-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Бегзод Ягона Сервис" МЧЖ жарима майдонида сақланаётган, 1977 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 G 614 FA бўлган "Ваз-2106" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси – 4 316 050 сўм.  
3. Тошкент вилояти, Ангрэн шаҳар СИБ томонидан №1788/17-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ангрэн шаҳар "АТЭК" МЧЖ корхонасида сақланаётган, 2014 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 214 ВВА, 10 213 ВВА, 10 212 ВВА, 10 206 ВВА, 10 207

ВВА, 10 210 ВВА, 10 209 ВВА, 10 211 ВВА, 10 208 ВВА бўлган 9 дона "ISUZU SAZ NP 37" русумли автобус. Ҳар бирининг бошлангич баҳоси – 47 222 222,23 сўм.  
4. Тошкент вилояти, Пискент тумани СИБ томонидан №6189-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Пискент тумани ИИБ ИХХБ жарима майдонида сақланаётган ишлаб чиқарилган йили номаълум, давлат рақами 10 S 154 АА бўлган "Ваз-21011" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси – 2 293 625 сўм.  
2017 йил 29 март кунини соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига Тошкент вилояти, Пискент тумани ИИБ ИХХБ жарима майдонида сақланаётган йили номаълум, давлат рақами 10 S 154 АА бўлган "Ваз-21011" русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси – 1 024 208 сўм.  
Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-ўй манзилида бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вақиллари иштирокида бевоисита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳар кунини (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Аризалар қабул қилишининг охири муддатидан 2017 йил 13 апрель кунини соат 16.00 гача. 2017 йил 29 март кунини соат 16.00 гача. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошлангич баҳосининг 10 фоизи микдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатидан ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "Auto Garant Business" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" ОАТБ Мирзо Улугбек тумани филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904887305001, МФО 01103, ИНН 301829604. Аукцион голиби сотиб олган автотранспорт воситаси қийматини 5 банк кунини мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-ўй. www.agb.uz. Телефонлар: (371) 233-61-44, (+99895) 146-61-44. Гувоҳнома № 004593.

**ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ**  
**ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА**  
Муассис:  
**Тошкент вилояти ҳокимлиги**

Бош муҳаррир  
Вазифасини бажарувчи  
**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ**  
Манзил:  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар  
кўчаси, 32.  
Электрон почта:  
thaiqat@umail.uz

Телефонлар:  
Қабулхона: 233-58-85 (факс)  
Бош муҳаррир ўринбосари: 233-70-10  
Котибият: 233-79-96  
Бўлим муҳаррирлари: 233-38-23, 233-48-08  
Шартнома ва эълонлар: 233-81-21, 233-65-59  
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бопқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.  
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир  
**Сайёра РИХСИЕВА**  
Назоратчи мусоҳиҳ  
**Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА**  
Саҳифаловчи  
**Тоҳир МАХМУДУЎЖАЕВ**

# ЎСМИРНИНГ БЎШ ВАҚТИ ДУШМАННИНГ ИШ ВАҚТИ БЎЛИШИ МУМКИН

зам кўриб борган ўсмир ўзи сезмаган ҳолда умидсизликка тушади. Узини ёлғиз, ҳеч кимга кераксиздай, ҳатто, шад ва топшириқларни сўзсиз бажара бориб, ўзини ўлимга тайёрлаганини билмай қолади.

Бу ўйиннинг айнан "Кўк кит" деб номланишида рамзий маъно бор. Одатда, калликка дучор бўлган кўк китлар ўзларини жон талвасида киргоққа отишда ва нобуд бўлишади. Шунинг учун "Сен ўз жонингга қасд қилсанг, кўк кит сени минга гаштириб, жаннатга олиб боради", деган ақида ёшларнинг миясига сингдирилади. Мазкур "ўйин" ташкилотчиси Филипп Лис уйку ўлимга тайёрланиш машқидир, деган чорлов билан ўзини оқлашга уринади. 300 мингдан ортик обуначиларни бирин-кетин ўлимга чолаган бу

– ёвнинг иш вақти" мазмунидида ўғитлар беҳиз эмаслигини доимо ёдда тутишимиз лозим.  
Ўсмирнинг ҳаёт лаззатларини тотмай туриб, ўлимни бўйнига олиши аслида, биз, катталарнинг болаларга эътиборсизлигимиздандир. Ҳаётнинг ҳаёт лаззатларини тотмай туриб, ўлимни бўйнига олиши аслида, биз, катталарнинг болаларга эътиборсизлигимиздандир. Ҳаётнинг ҳаёт лаззатларини тотмай туриб, ўлимни бўйнига олиши аслида, биз, катталарнинг болаларга эътиборсизлигимиздандир. Ҳаётнинг ҳаёт лаззатларини тотмай туриб, ўлимни бўйнига олиши аслида, биз, катталарнинг болаларга эътиборсизлигимиздандир. Ҳаётнинг ҳаёт лаззатларини тотмай туриб, ўлимни бўйнига олиши аслида, биз, катталарнинг болаларга эътиборсизлигимиздандир.

## Жиноятга жазо муқаррар

Халқ дарди билан яшаш, унинг муаммоларини эшитиш ва кўмак бериш ҳар бир раҳбарнинг бурчидир. Мамлакатимизда бу борада амалга оширилган ишлар, шубҳасиз, халқимиз турмуш даражасини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда. Аммо, гуруҳ кумарсиз бўлмаганидек, орамизда ўз хизмат лавозимини суистеъмо қилиб, нафсига қўл бўлган юрдошларимиз ҳам учраб туради.

Исомаддин Бахриддинов ҳам "СНОТQOL" реабилитация маркази давлат унитар корхонасига раҳбар бўлганда атрофдагиларга фойдаси тегади, қўлидан келганча одамларнинг оғирини енгил қилади, деб ишонилган. Аммо, "Менинг нафсим балодир, ёнар ўтга солидир" деганларидек, раҳбар бўлгандан сўнг, оғи ердан узилди, осон ва мўмай даромад

## ҲАЛҚУМИДАН ИЛИНГАНЛАР

топиш пайига тушиб қолди. Бир ўзи режалаштирган ишларини амалга ошира олмаслигига кўзи етиб, ўзига мос шерик қидиришни бошлади. "Кўр кўрни қоронги да топади", деганларидек, бир зумда нафс ҳалкал отган ҳамоқлар ҳам топила қолди. "СНОТQOL" реабилитация маркази давлат унитар корхонаси хўжалик ишлари мудири Алоддин Низамов ва шу корхонанинг администраторлари Гузал Инағомова ҳамда Сауле Жумабаевалар билан суҳбат чоғида Исомаддин ўзининг осон пул

## "REAL AUCTION" МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Тошкент вилояти: I. Юқори Чирчиқ тумани суд ижрочилари бўлими томонидан: Тошкент вилояти хўжалик судининг 11-1532/6814-сонли ижро варақасига асосан: Жамбул ота ҚФЙ, "Қараша" СФУ раҳбари хонадонда сақланаётган: 2011 йилда и.ч./, дав/рак: 10/3445АА, бошлангич баҳоси – 25 635 000 сўм бўлган, "Дамас" русумли; II. Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан: №1127-сонли ижро ишига асосан: Чирчиқ шаҳар, Бог кўчаси, 2-ўйда сақланаётган: 1984 йилда и.ч./, дав/рак: 10V321GA, бошлангич баҳоси – 6 094 380 сўм бўлган "Ваз-2106" русумли; III. Чиноз тумани СИБ томонидан: 1609/6603-сонли ижро ҳужжатига асосан: Янги Чиноз шаҳарчаси манзилида сақланаётган: 1. дав/рак: 10/277NAA, бошлангич баҳоси – 33 326 272 сўм бўлган "Маз 5551" русумли; 2. дав/рак: 10/281NAA, бошлангич баҳоси – 33 326 272 сўм бўлган "Маз 5551" русумли; 3. дав/рак: 10/282NAA, бошлангич баҳоси – 33 326 272 сўм бўлган "Маз 5551" русумли; 4. дав/рак: 10/285NAA, бошлангич баҳоси – 23 804 480 сўм бўлган "Маз 5551" русумли; 5. дав/рак: 10/286NAA, бошлангич баҳоси – 33 326 272 сўм бўлган "Маз 5551" русумли; 6. дав/рак: 10/287NAA, бошлангич баҳоси – 38 087 168 сўм бўлган "Маз 5551" русумли; 7. дав/рак: 10/289NAA, бошлангич баҳоси – 23 413 600 сўм бўлган "Маз 5337" русумли техник носоз автотранспорт воситалари қўйилмоқда. Аукцион савдоси 2017 йил 11 апрель кунини соат 11.00 да ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар қабул қилиш соат 10.00 дан соат 16.00 гача), аукцион бошлангич баҳосининг бир кун олдидан (аризалар қабул қилишининг охири муддати: 2017 йил 7 апрель соат 16.00 гача) тўхтатилади. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вақили иштирокида бевоисита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган микдорда закалат пулини тўлов ҳужжатидан ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "REAL AUCTION" МЧЖнинг ОАТБ "Ипак йўли" Миробод филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО 01101, ИНН 302373151. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М. Таробий кўчаси, 31-ўй. Тел.: 254-69-13. Гувоҳнома № 006795.

## "NEW ESTATE ACTION" МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдоларида: Тошкент вилояти, Янгийўл тумани СИБ томонидан ФИБ Зангиота туманлараро судининг 16.06.2016 йилги ижро варақасига асосан, Янгийўл тумани, Ортиқов кўчаси, 20-ўйда жойлашган умумий майдони 57,26 кв.м.дан иборат бўлган 34-хонадон бино ва иншоотлари савдога қўйилмоқда. Бошлангич баҳоси – 25 125 000 сўм.  
Аукцион савдоси 2017 йил 30 март кунини соат 12.00 да ўтказилади.  
Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар қабул қилиш (соат 10.00 дан соат 16.00 гача), аукцион бошлангич баҳосининг олдидан (аризалар қабул қилишининг охири муддати: 2017 йил 28 март соат 16.00 гача) тўхтатилади. Савдога қўйилган кўчмас мулк билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вақиллари иштирокида бевоисита жойига чиқиб танишишлари мумкин.  
Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган микдорда закалат пулини тўлов ҳужжатидан ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "NEW ESTATE ACTION" МЧЖнинг ОАТБ "Ипак йўли банки" Миробод филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО 01101, ИНН 302373151. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М. Таробий кўчаси, 31-ўй. Тел.: 254-69-13. Лицензия: RR-0148.



Реклама ўрнида

## «ТА'МИНОТ-МТС-ЧИНОЗ» ХК жамоаси

азиз юртдошларимизни  
кўкларнинг файзли айёми —

## НАВРЎЗИ ОЛАМ

билан чин дилдан табриклайди.

Кўёш заминга илқлик

бахш этиб, кўклар

тароватини ёяётган шукуҳли

онларда, Сиз азизларга мустаҳкам соғлиқ,

осойишта ҳаёт, эзгулик ёр бўлсин!

Йил бўйи дастурхонингиздан тўкин-сочинлик,

файзу барака аримасин!

## «INTER RONAT» ОҚ

жамоаси

юртимиз аҳлини тобора  
яқинлашиб келаётган

## Наврўз

умумхалқ байрами билан табриклар,  
хонадонингизга кут-барака,

хотиржамлик тилайди! Бахт ва омад

ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин!

Ҳаётингиз қувончу шодликларга

тўлсин, азиз юртдошлар!

### "AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!!!

2017 йил 30 март куни соат 11.00 да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибда ўтказилган "Очиқ аукцион" савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари такроран чиқарилмоқда: 1. Бўстонлик тумани СИБ томонидан хатланган, Бўстонлик тумани, Ҳазалкент-2 "Мариам Текстиль Сервис" МЧЖ жарима майдонида сақланаётган: ЖИБ Паркент тумани судининг 10.11.2014 йилдаги 1-129-2014-сонли ижро варақасига асосан 1988 йилда и.ч., д/р. 10Н921КА, "ВАЗ-21063" р-ли ав-на, бошланғич баҳоси — 4 381 806 сўм; ЖИБ Миробод тумани судининг 21.05.2014 йилдаги 1-130/2014-сонли ижро варақасига асосан, 2006 йилда и.ч., д/р. 01М028НА, "ГАЗ-322132" р-ли микроавтобус, бошланғич баҳоси — 22 486 540 сўм; ЖИБ Тошкент вилояти, Паркент тумани судининг 18.12.2015 йилдаги 1-349-2015-сонли ижро варақасига асосан 1994 йилда и.ч., д/р. 01У9360А, "Доган" р-ли ав-на, бошланғич баҳоси —

8 069 413 сўм; 2. Тошкент вилояти ҳўжалик судининг 28.05.2015 йилдаги 11-1536/4638-сонли ижро варақасига асосан Ўрта Чирчиқ тумани СИБ томонидан хатланган, Ўрта Чирчиқ тумани, Қорасув ҚФЙда сақланаётган, 2011 йилда и.ч., д/р. 10/688 ОАА, "Дамас VAN" р-ли ав-на, бошланғич баҳоси — 25 521 400 сўм. 2017 йил 18 апрель куни соат 11.00 да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибда ўтказилган "Очиқ аукцион" савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари чиқарилмоқда: Ангрен шаҳар СИБнинг 253/10-10871/16-сонли ижро варақасига асосан Ангрен шаҳар СИБ томонидан хатланган, "Ангрен БПИМБ" корхонасига қарашли автотураргоҳда сақланаётган: 2002 йилда и.ч., д/р. 10/196DAA, "МАЗ" р-ли ав-на, бошланғич баҳоси — 49 309 868 сўм; 2002 йилда и.ч., д/р. 10/632EAA, "МАЗ" р-ли ав-на, бошланғич баҳоси — 17 575 787 сўм; 1991 йилда и.ч., д/р. 10/806EAA, "КАМАЗ" р-ли ав-на, бошланғич баҳоси — 36 191 635 сўм; 2002 йилда и.ч., д/р. 10/631EAA, "МАЗ" р-ли ав-на, бошланғич баҳоси — 42 224 353 сўм; 2002 йилда и.ч., д/р. 10/109EAA, "МАЗ" р-ли ав-на, бошланғич баҳоси — 17 226 023 сўм; 2002 йилда и.ч., д/р. 10/601EAA, "МАЗ" р-ли ав-на, бошланғич баҳоси — 17 575 787 сўм; 2002 йилда и.ч., д/р. 10/621EAA, "МАЗ" р-ли ав-на, бошланғич баҳоси — 16 982 823 сўм; 2002

йилда и.ч., д/р. 10/831MAA, "МАЗ" р-ли ав-на, бошланғич баҳоси — 42 665 998 сўм; 2002 йилда и.ч., д/р. 10/608EAA, "МАЗ" р-ли ав-на, бошланғич баҳоси — 42 019 946 сўм; 2002 йилда и.ч., д/р. 10/657EAA, "МАЗ" р-ли ав-на, бошланғич баҳоси — 42 188 441 сўм; 2002 йилда и.ч., д/р. 10/630EAA, "МАЗ" р-ли ав-на, бошланғич баҳоси — 17 469 223 сўм; 2002 йилда и.ч., д/р. 10/660EAA, "МАЗ" р-ли ав-на, бошланғич баҳоси — 17 130 633 сўм; 2002 йилда и.ч., д/р. 10/664EAA, "МАЗ" р-ли ав-на, бошланғич баҳоси — 16 982 823 сўм; 2002 йилда и.ч., д/р. 10/604EAA, "МАЗ" р-ли ав-на, бошланғич баҳоси — 16 887 433 сўм; 2004 йилда и.ч., д/р. 10/829MAA, "КС" р-ли техника, бошланғич баҳоси — 93 658 607 сўм; 2002 йилда и.ч., д/р. 10/620EAA, "МАЗ" р-ли ав-на, бошланғич баҳоси — 17 130 633 сўм; 2002 йилда и.ч., д/р. 10/627EAA, "МАЗ" р-ли ав-на, бошланғич баҳоси — 16 776 327 сўм; 2002 йилда и.ч., д/р. 10/610EAA, "МАЗ" р-ли ав-на, бошланғич баҳоси — 17 165 447 сўм; 2002 йилда и.ч., д/р. 10/661EAA, "МАЗ" р-ли ав-на, бошланғич баҳоси — 17 340 363 сўм; 2002 йилда и.ч., д/р. 10/199DAA, "МАЗ" р-ли ав-на, бошланғич баҳоси — 16 533 128 сўм; 2002 йилда и.ч., д/р. 10/659EAA, "МАЗ" р-ли ав-на, бошланғич баҳоси — 16 887 433 сўм; 2002 йилда и.ч., д/р. 10/830MAA, "МАЗ" р-ли ав-на, бошланғич баҳоси — 41 878 718 сўм; 2002 йилда и.ч., д/р. 10/658EAA, "МАЗ" р-ли ав-на, бошланғич баҳоси — 17 130 633 сўм; 2010 йилда и.ч., д/р. 10/173UAA, "HOWO SINOTRUK" р-ли ав-на, бошланғич баҳоси — 150 159 775 сўм; 2010 йилда и.ч., д/р. 10/174UAA, "HOWO SINOTRUK" р-ли ав-на, бошланғич баҳоси — 152 207 775 сўм; 2002 йилда и.ч., д/р. 10/612EAA, "МАЗ" р-ли ав-на, бошланғич баҳоси — 20 221 604 сўм; 2002 йилда и.ч., д/р. 10/128FAA, "МАЗ" р-ли ав-на, бошланғич баҳоси — 48 505 148 сўм; 2000 йилда и.ч., д/р. 10/817OAA, "МАЗ" р-ли ав-на, бошланғич баҳоси — 15 907 871 сўм; 1980 йилда и.ч., д/р. 10/605EAA, "ГАЗ" р-ли ав-на, бошланғич баҳоси — 14 516 592 сўм; 1998 йилда и.ч., д/р. 10/802MAA, "ТИКО" р-ли ав-на, бошланғич баҳоси — 8 011 067 сўм; 2. Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 12.08.2016 йилдаги 021/16-сонли ижро ҳужжатига асосан Чиноз тумани СИБ томонидан хатланган, "Чиноз Ал-Барака" ф/х

худудида сақланаётган: 2003 йилда и.ч., д/р. 30-44 ЕН, "ТТЗ-80.11" р-ли трактор, бошланғич баҳоси — 2 182 208 сўм; д/р. ЕЗ 25-16 тиркама, бошланғич баҳоси — 200 000 сўм; 3. ФИБ Тошкент вилояти, Чирчиқ туманлараро судининг 11.06.2015 йилдаги ижро варақасига асосан Қибрай СИБ томонидан хатланган, Қибрай тумани ИИБ ЙҲХБ жарима майдонида сақланаётган: 1982 йилда и.ч., д/р. 10W611DA, "ВАЗ-2101" р-ли ав-на, бошланғич баҳоси — 2 893 556 сўм; 2001 йилда и.ч., д/р. 10F117CA, "NEXIA" р-ли ав-на, бошланғич баҳоси — 15 447 427 сўм.

Аукцион савдосига қўйилган автотранспорт воситалари билан туман СИБ вакили иштирокида бевосита танишдиқ бўлиб ўтади. Аукцион савдоси голиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни ичун мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Талабдорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Аризалар қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 1 (бир) кун олдин соат 11.00 да тўхтатилади. Савдолар "AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг савдолар залида бўлиб ўтади. Аукцион савдоларда қатнашиши истагидаги талабдорлар тузилган закатли келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 20 (йигирма) фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закатли пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Савдо ташкилотчиси"нинг АТБ "InfinBANK"даги, МФО 01041, ИНН 302477464, 20208000505015685001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан бирга қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт: жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, закатли пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати; юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва Устав нусхаси, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома; чет эл юридик ва жисмоний шахслари — сўмдаги маблағларининг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумот. Ҳар бир мулкка нисбатан қўшимча хизматлар кўрсатиш учун энг кам иш ҳақининг 2 (икки) баробари миқдорда тўлов олинади. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, А. Темиров 1-тор кўчаси, 6-уй. Тел: (+99895) 193-74-96, e-mail: info@auksion.uz. Гувоҳнома № 005148.

Азизлар, сизларни  
гўзаллик ва нафосат  
айёми бўлмиш

## Наврўзи олам

шодиёнаси билан

самимий табриклаймиз!

Хайрли ишларингизга

ривож, оилангизга бахт ва

фаровонлик тилаймиз.

«LOCKER TRADE PLUS» МСН



«Тошкент ҳақиқати» реклама  
бўлимнинг телефон рақами:  
**(0371) 233-81-21.**

Қибрай тумани ҳокимлиги томонидан 2014 йил 25 июлда "POWER INNOVATION" МЧЖ (ИНН 303013313)га берилган № 000165 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.